

АРАФА (420-546)

Сарикдарё сохилидага ўзгаришлар. Холдан тойган Римни V асрда белини буккан Оврупо кавмлари силжишига ўхшаш харакат Шаркий Осиёда 100 йил аввал бўлиб ўтган эди. Хитой тарихчилигида "беш ёввойи кавмлар даври" деб номланадиган (304-399) чоғда Шимолий Хитойни хунлар ва санбийлар босиб олган ҳамда готлар, бургундлар вандалларнинг ёввойи киролигига ўхшаш катор тезўтар давлатлар ташкил этган эдилар. Оврупонинг Болкон ярим оролида Шаркий Рим императорлиги сакланиб колгани каби Хан империясининг вориси сифатида Янцзи хавзаси мустакил Хитой императорлигини ўзида сакдаб колди. Бу императорлик ҳам ўз ўтмишига илк Византия Римининг гуллаган даврига ўхшаганидай ўхшаш бўлиб, шимолдан ва гарбдан каттик сикувга олган кўчманчилар хужумидан ўзини аранг химоялаб турарди. Тез-тез алмашилиб турувчи сулолаларнинг заиф ва нотавон императорлари "Ўрта текислик"даги Хитой ахолисини ёввойи кўчманчилар бошчиларига бир курбонлик сифатида ташлаб кўйгандилар. "Ўрта текислик" деб аталувчи Хуанхе воҳасида келгиндилар ўзаро уруши оқибатида киргин ва зулм кучайиб кетганига карамай, Шимолий Хитойда хитойлар уларни мағлуб этган кавмлардан микдор жихатидан анча устун бўлганлиги боис ҳам VI асрда Хитой кайтадан ўзини тиклаб олди.

Ракибларининг барчасидан голиб келган тоба кабиласи Хитой маданияти қомига тортилди. Тоба кавми тузган илк феодал давлати 420 йилга келиб, бутун Шимолий Хитойни бир императорликка айлантирди, бу императорлик хитойча Вэй номи билан маълум (386).

Бу Тоба хони томонидан ўз фукароларининг асосий кўпчилигини ташкил этувчи хитойлиларга дастлабки ён босилиши ҳам эди. Кўчманчилар мағлублари билан аралашиб кетиши оқибатида V аср охирига келиб тобалар соч ўримларини кесдилар, кўл остидагилар билан мулокот уларнинг кучини киркди, анъаналарини йўқ этди. Тили ва кийим-кечаги билан бирга уларни зафарларга етаклаган даштга хос шижоат ва уюшқокликни ҳам йўқотдилар, айти чоғда ўзининг мустакил давлатини тиклашга жон-жаҳди билан курашган хитойларга сингиб ҳам кетмадилар.

Саройдаги тўнтаришлар натижасида Вей сулоласи заифлашган захотиёк, санбий императорлари хизматида бўлган хитой саркардалари ўз хўжайинларига нисбатан гайратлирок ва кудратлирок эканликларини кўрсатдилар. 531 йилда шимоли-шаркца Гао Хуан кўзгалон кўтариб тоба кўшинини тор-мор келтирди ва пойтахт Лоянни эгаллади. Аввалига у мавжуд сулола манфаати учун харакат килаётгандай кўриниб, шахзодалардан бирини император деб эълон этди. Бирок бу шахзода ўз саркардасидан кўркиб гарбга — Чанъанга кочиб борди ва у ерда уни бошка бир саркарда — хитойлашган санбий Йуйвин Тай кўллаб-куватлади. Гоа Хуан Вей сулоласидан бўлмиш бошка бир шахзодани тахтга ўтказди. Шундай килиб, империя иккига — Гарбий Вей ва Шаркий Вейга бўлинди, лекин хар иккаласида ҳам хокимият шахзодаларни вақтинча тахтга ўтказиб кўйган Хитой саркардалари кўлида эди. Бундай вазият узок давом этаолмас эди. Санбийларнинг каттиккўл хукмронлиги хитойларни шу даражада шафқатсиз килиб кўйган эдики, кудрат уларнинг кўлига ўтгач, мағлуб бўлганларни аяб

Ўтирмадилар. Йуйвин Тай кўгирчок императорларнинг бир неча нафарини захарлади, унинг ўгли эса ўзида шунчалар кудрат сездики, ёмон кўрган сулоласини мутлако тугатиб, ўз сулоласи — Бэй Чжоуга асос солди.

Шимолий-шаркий Хитойда санбийларга янада шафкатсизрок муносабатда бўлишди. 550 йилда Гао Хуаннинг вориси Гао Йан сўнгги императорни тахтдан воз кечишга мажбур қилди ва уни захарлаб ўлдирди. Императорнинг 721 нафардан иборат кон-кариндошлари катл этилиб, кўмиш маросимидан махрум этиш максатида жасадлари сувга окизилди. Янги сулола Бэй-Ци деб атала бошланди.

Мазкур шимолий икки подшолик ҳам иктисодий ва сиёсий жи-хатдан анчагина бакувват эди. Ўзга кавмлар хукмронлигидан кутулган хитой кавми ўз маданиятини тиклаш учун астойдил киришди. Бирок Бэй Чжоу ва Бэй-Ци сулолалари орасида пайдо бўлган ракобат уларнинг фаол сиёсат юргизишлари учун халакит берарди.

Жанубда бўлса, Лян сулоласи императорлари бошбошдоклик ва жинойтни идора услуби килиб олган эдилар. Уларнинг ўрнига келган Чэн сулоласи эса, ана шу анъанани давом этгирди. 557 йилдаги сарой тўнтариши оқибатида Лян сулоласининг охириги императори дорга осилишига қарши унинг тарафдорлари курулли қаршилиқ уюштирдилар.

Исёнчилар Чэн сулоласи кўшинининг хужумини қайтариб, Хитойнинг қок ўртасида Хоу-Лян деган кичик бир давлат ташкил этдилар.

Хитой бир-бирига душман бўлган тўрт давлатга парчаланиб кетди. Хитой кудратини кесиб қўйган бундай оғир вазият Жужанлар ўрдаси ва Тогон (Ту-йу-хун) подшоҳлиги каби кўчманчиларнинг икки заиф давлатини халокат чоҳидан кутқарувчилик моҳиятига эга бўлди. Жанубдан бўлиб турадиган сикувнинг бўшаши билан улар Шаркий Осиё давлатлари орасида етакчилик мавқеига эга бўлиб қолдилар. Дашт хонлиги бўлмиш Жужан IV юзйилликнинг ўрталарида ташкил топиб, VI аср бошларига келиб халокатли таназзулни бошидан кечирганди.

Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Тогон подшоҳлиги Цайдамнинг чўл пастгекислигига жойлашган эди. 312 йилдаёқ Муйун уругидан бўлмиш беклар бошқарган санбийларнинг кичик бир қабиласи Жанубий Манчжуриядан гарб томон кўчиб, Куқунор қўли теварагида қўним топган эди. Улар бу ерда оралари ола бўлган тибет уруғлари билан зафарли урушлар олиб боради. Тобалар билан тўқнашувларда эса муваффақиятсизликка учраб турадилар. Ушбу жараён натижасида Тогон Вэй империясига қарам бўлиб қолади, бирок Вэйнинг парчаланиб кетиши тогонликларга эркинлик тухфа қилади. VI асрнинг иккинчи чорагида Куалйуй деган бек ўзини хон деб эълон қилади ва 540 йилда Гао Хуанга элчи юбориш билан Йуйвин Тайни ўзига душман қилиб олади. Мана шу воқеа, қуйида баёнимиз давомида дуч келадиганимиз Тогоннинг тақдирини хал қилади. Жуда катта ҳудуддаги "шахарлар"4ни (мустаҳкамланган кентлар бўлса керак) бошқаришда шаклланган идора тартибига (бу идора усулини тобалардан ўзлаштирган бўлса керак) эга бўлишига қарамай, Тогои қучли давлат эмасди. Курул қучи билан бўйсундирилган тқбст уруғлари хурлик ва қасосни орзу қилишар; бирок иктисоди микдор кетидан қувувчи чорвачилик хўжалигига асосланган бўлиб, маданий сазия паст эди. Бунинг устига хонларнинг ўзбошимчалиги турли фитналарга, хоинликка, истибдодга сабаб бўлиб, ёнибтурган оловга ёғ қуйгандек бўларди. Ушбу ҳолатлар Тогоннинг имкониятларини бўғар эди ва кейинроқ нишонсиз йўқ бўлиб кетишига олиб қелди.

Жужанлар ва телеутлар

Жужанларнинг кавм сифатида келиб чиқиши масаласига кўп марта мурожаат этилишига карамай, бу масалада узил-кесил тўхтама келинмаган. Бу ўринда масаланинг кўйилиши унчалик тўғри эмасдай, чунки жужанлар халк сифатида ягона бир этник илдизга эга эмасди. Уларнинг келиб чиқиши ўзига хос бир тарзда эди. Тўс-тўполон замонларда отдан туширилган ва номига доғ тушган кишилар доим бисёр топиларди. IV юзйиллик ўрталарида ҳам ана шундайлар талайгина йигилиб қолган эди. Кимки тоба хони ўрдасида ёхуд хун шаньуйи пойтахтида қолишнинг имконидан махрум бўлса, даштга қочиб кетарди. Хўжайинлари зулмидан қочганлар, аскарликдан қочганлар, бор будидан айрилган камбагал-деҳқонлар — барчаси даштдан бошпана изларди. Уларни бирлаштирувчи нарса тил ҳам эмас, дин ҳам эмас, балки кашшокликка маҳкум этган тақдир бўлиб, айнан ана шу тақдир уларни жипслашишга мажбур этганди.

IV асрнинг 50 йилларида санбий отлик аскарларида хизмат қилиб юрган собик кул Йугйулуй деган кимса ўлимга ҳукм этилади. Аммо у тоққа қочиб қолишга муваффақ бўлади, ана ўша кимса теварагида юзлаб тақдири ўзига ўхшаш кишилар тўпланади. Бу қочқоқлар ён-теварагидаги қабилалар билан қўшни бўлиб яшаш хақида қелишиб олишга ҳам эришадилар.

Йугйулуйничг вориси Гуйлухўй тоба хонлари билан муносабатни йўлга қўйиб, хар йили от, силовсинлар билан тўлов тўлаб турадиган бўлади. Мана шу чоғда унинг ўрдаси Жужан номини олади. Жужанлар Халха бўйлаб то Хингангача қўчиб юрганлар, хонининг қароргоҳи эса Хангайда бўлган. Уларнинг турмуши содда ва уюшмаси жуда жўн бўлиб, уругчилик тузумига мутлақо ўхшамас эди. Ҳам харбий, ҳам маъмурий бирлик минг кишилиқ бўлуқ (полк) ҳисобланган. Бўлуқ хон томонидан тайинланадиган саркардага бўйинсунган. Бўлуқда хар юз киши ҳисобига биттадан, жами ўн туг бўлиб, хар бир тугнинг ўз бошлиғи ҳам бўлган. Жужанларда ёзув мутлақо бўлмаган, ҳисоблаш учун қўйнинг қумалогидан ёки ёғочга кертиб қўйишдан фойдаланишган. Қонунлари уруш талабларига мувофиқлашган бўлиб, ботирларга ўлжанинг катта улуши теккан бўлса, қўрқоқлар қалтакланган.

Жужанларнинг 200 йиллик мавжуд бўлиб туриши давомида ҳеч қандай ички тараккиёт сезилмайди: бор қуч ва гайратини қўшнилари талашга сарф этганлар.

Жужанлар ўзаро қайси тилда гаплашганлар? Бу борада Хитой манбалари хар хил маълумот берадилар: "Вэйшу" Жужанлар дунхуларнинг биртармоғи деса, "Суншу", "Ланшу", "Наншу" лар уларни хунларга қариндош қабилла деб ҳисоблашади. Ва ниҳоят Бэй ши (?) Йуглууйуни гаогуйлардан деб таъкидлайди. Жанубий Хитой тарихчиларининг хабарлари билвосита маълум бўлганлиги учун ахамияти қам бўлса, Йуглууйунинг насл-насабининг ҳам ахамияти унча эмас, чунки унинг атрофига турли-туман қавм Вакиллари йигилишган. Жужанлар ўзаро мўгул тилининг лахжаларидан бири бўлмиш санбийча галашишган бўлса керак. Чунки уларнинг хонлари унвонларини хитой тилига таржима қилган тарихчи сўзларнинг аслида - "Вэй давлати тилида", яъни санбий тилида қандай айтилишини қўрсатади. Жужанлар ўзларини тобалар билан қариндош деб ҳисоблайдилар. Бироқ жужанлар турфа қавмлардан ташкил топганлигини назарда

тутиб, уларнинг бу фикри учун асос келиб чиқиш эмас, балки тилдаги ўхшашлик бўлган, деб ўйлат мумкин.

Жужан хонлигининг асосий кудрати теле кабидаларини бўйсундириб туришни эплашида намоён бўлган. Тарихининг илк кунларида, яъни милoddан аввалги III юзйилликда телелар Ордосдан гарбдаги дашт минтакаларида яшаган. 388 йилда улар тоба хонига бўйсундирилади, IV асрнинг охирларида эса шимол томон кўчиб, Жунгорияга борадилар ва Селенгагача бўлган Гарбий Мўгулистон худудларига ўрнашадилар. Таркок бўлганлари учун ҳам Жужанларга қаршилик кўрсата олмай, уларга тўловлар тўлаб туриш зўрида қоладилар.

Теле кабилалари жужанлар учун ниҳоятда керак бўлгани холда, телелар учун жужанлар ҳеч ҳам керак эмас эди. Жужан огир меҳнатдан қочган қимсалардан ташкил топган бўлиб, болалари ҳам меҳнат қилиш ўрнига тўловлар олиш йўлини ўрганардилар. Телелар қорвадор бўлиб, ўз молларини ўзлари боқиб, ҳеч қимга ҳеч қандай тўлов тўлашни истамас эдилар. Ушбу мойилликларига мувофиқ холда ҳар икки халқнинг сиёсий тузуми ташкил топди:

аскарий кудрат воситасида кўшнилари ҳисобига яшаш учун жужанлар бир ўрдага уюшди; телелар эса ўзаро заиф боғланган кабилалар уюшмаси холида қолдилар, бироқ бор қучлари билан мустақилликларини ҳимоя этдилар.

Телелар жужанлар билан ёнма-ён яшасалар-да уларга мутлақо ўхшамасдилар. Телелар Хун империяси таркибидан анча эрта ажралиб чиқишди — содда патриархал тузум ва кўчманчи турмуш тарзи сақланиб қолди. Уларни хитойлашиш жараёни ҳам четлаб ўтди. Чунки даштнинг ичкарасига жойлашган бу тўпори кўчманчиларнинг хитойликларни ўзига жалб этадиган ҳеч нарса йўқ эди. Телеларнинг умумий бир ташкилоти бўлмаган. 12 уругнинг ҳар бирининг ўз оксоқоли бўлган, қариндош-уруглар ўзаро иноқлашган."

Телелар даштда қатта қилдирақли араваларда кўчиб юришган, жанговар, эрксевар бўлиб, уюшишга мойиллиги йўқ эди. Ўзларини "теле" деб атаганлар, бу сўз ҳамон Олтойдаги телеут этноними номида сақланиб қолмоқда. Телеларнинг аждодлари ёкутлар, теленгитлар, уйгурлар ва бошқалардир. Уларнинг кўпчилиги ҳозиргача сақланиб қолмаган.

Жужан хонлиги. V асрнинг бошланишида Хингандан то Олтойгача бўлган даштларда Дэудай ("от қоптириб, ёйдан ўкотадиган") лақабли жужанларнинг хони Шелун ҳукмронлик қилди. Телеларни бўйинсундиргач, у Или дарёси бўйларида яшаётган ўрта осийлик хунларга тўқнашди. Буларнинг сарқардаси Жибасги деган киши эди. Онгин дарёси бўйидаги шиддатли жангда Жибасги Шелунни енгди, лекин Жужан салтанатини тўлалигича мағлуб этишга қурби етмади ва "тобелик эвазига осийишталикка эришди", Шелуннинг энг муҳим вазифаси ўзининг қувватидан анча кудратли бўлган Тоба — Вэй империясининг қучайиб кетишига йўл қўймаслик эди. Хитой жанубида тинимсиз давом этаётган уруш Тоба-Вэй императорига ўзбошимчалик билан ажралиб чиққан фуқароларининг танобини тортиб қўйишига ҳалақит бериб қеларди, шунинг учун ҳам Шелун Тоба-Вэйнинг барча душманларини қўллаб-қувватларди. 410 йилда Шелун вафот этади ва унинг ўрнини укаси Хулйуй эгаллайди.

Хулйуй Тоба-Вэйни ўз холига қолдириб, асосий эътиборни шимолга қаратади. Бу ерда у Енисей қирғизларини (иоу) ва хэвэй (сибир кабилаларидан бири)ларни бўйсундиради. 414 йилда Хулйуй фитна билан ҳалок этилади. Фитначилар бошлиги Булужжен ҳам ўша йили ҳалок бўлади. Хонликка Шелуннинг амакиваччаси Датан қўтарилади, бироқ жужанлар босқини самарасиз бўлиб чиқади. Айни пайтда уларга қарши юборилган жазо

бўлуги ҳам бирор натижага эришмай ортга кайтади. Вазият ўзгармай, аввалги холича қолади.

418-419 йилларда жужанлар билан ўрта осийлик хунлар ва юэчжилар ўртасида уруш кайтадан бошланади. Жужанлар Тарбагатойга сукилиб кирадилар ва бу ерда шундай бир вахимали киргин ташкил этадиларки, юэчжилар катта бир гурухининг рахномаси Цидоло (Кидара), жужанлар билан кўшни бўлишдан кочиб, жанубга кетади ва Карши воҳасидаги Боло шахрини ишгол қилади. Бу ерда у форслар ва эфталитларга тўқнаш қелади. Кидаранинг сафдошлари — кидарийлар — тарихда этник номлари билан эмас, балки ўз рахномаларининг номи билан аталиб қолдилар.

давоми бор...